139) **Тлеугалиева Курбанай Куанишовна**, 1971 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, қozoқ, Қорақалпоғистон Республикасида яшайди.

140) **Тобаназарова Лазат Убайдуллаевна**, 1968 йилда Навоий вилоятида туғилган, қozoқ, Навоий вилоятида яшайди.

141) **Тоҳиров Мустафоқул Мухамадкулович**, 1960 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, ўзбек, Самарқанд вилоятида яшайди.

142) **Тошболтаев Баходир Курбанович**, 1970 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Сурхондарё вилоятида яшайди.

143) **Тошпулотов Камол Комилжонович**, 1975 йилда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

144) **Туймиев Хайдарали Уразалиевич**, 1955 йилда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

145) **Тураханов Баҳрам Сайидмуратович**, 1966 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, ўзбек, Самарқанд вилоятида яшайди.

146) **Турдиева Турсунбуви Худойбергеновна**, 1953 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

147) **Турсунбаев Саибжан Ибрагимович**, 1966 йилда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Наманган вилоятида яшайди.

148) **Турсунов Ильхам Таирович**, 1977 йилда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

149) **Турсунова Зарина Исамитдиновна**, 1978 йилда Тожикистон Республикасида туғилган, ўзбек, Самарқанд вилоятида яшайди.

150) **Турсунова Мукаддас Хайдаровна**, 1965 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Тошкент вилоятида яшайди.

151) **Турсунова Наргиза Рахимовна**, 1980 йилда Қозоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрида яшайди.

152) **Умаров Зариф Ходжиевич**, 1960 йилда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Бухоро вилоятида яшайди.

153) **Уринбоев Азамат Турсунович**, 1982 йилда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди.

154) **Усманиев Баҳадир Махмуджанович**, 1972 йилда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Наманган вилоятида яшайди.

155) **Усмонова Ранаҳон Маликовна**, 1963 йилда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Фарғона вилоятида яшайди.

156) **Усмонова Гульчехра Собировна**, 1972 йилда Андижон вилоятида туғилган, ўзбек, Андижон вилоятида яшайди.

157) **Хайрутдинова Гузал Альшеровна**, 1986 йилда Қозоғистон Республикасида туғилган, тожик, Тошкент вилоятида яшайди.

158) **Хакимова Шарофат Саматовна**, 1956 йилда Бухоро вилоятида туғилган, тожик, Бухоро вилоятида яшайди.

159) **Халматова Джумагул Шониевна**, 1965 йилда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Қашқадарё вилоятида яшайди.

160) **Хамидов Содикжан Юлдашбаевич**, 1961

САРҲИСОБ

■ Жонажон Ватанимизнинг эртанги куни янада ёруғ ва фаровон бўлиши йўлида янада ҳамжиҳат бўлиш, билим ва салоҳиятимизни, куч-ғайратимизни ана шу улуг ишга сафарбар этиш — барчамизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

Ватан манфаати йўлида ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашимиз керак

яқунига етиб бораётган йилнинг асосий воқеа ва ҳодисалари барчамизни шунга даъват этмоқда

Йил сўнгидида орта бир назар ташлаб, шу даврдаги энг муҳим воқеа ва ҳодисаларни эсга олишга ўрганганмиз. Шу тариқа ўз фаолиятимизга баҳо берамиз, келгуси режаларимизни тузишга ҳаракат қиламиз.

Нихоясига етиб бораётган йил Ўзбекистон тарихида алоҳида из қолдириши шубҳасиз. 2016 йилда мамлакатимиз ҳаётида кўплаб ўзгариш ва янгиланишлар содир бўлди. Уларнинг орасида мустабид тузум даврида топталган кадр-қимматимиз, шаънимиз, гуруҳ-иқтисодимизни тиклаган, ота-боболаримизнинг асрий орзу-интилишларини рўёбга чиқарган буюк тарихий воқеа — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик қўлғуси бўлиб кенг нишонланганини биринчи навбатда тилга олишимиз табиийдир.

Чорак асрлик тараққиёт йўлимиз асрларга татигулик тарихий бир давр бўлди, десак, ҳар томонлама тўри бўлади. Истиқлолдан олдинги даврни кўз олдимизга келтирайлик. Собқ шўро тузумининг адолатсиз ва зуравонлик сийсати натижасида одамлар орасида тушқунлик ва келахатқа ишонсизлик кайфияти ҳукмрон, иқтисодиёт издан чиққан, пештахталар бўм-бўш, дўконларда навбатда турган одамларнинг охири кўринмайдиган. Юртимизда пахта қачқончилиги авж олган, Ўзбекистон аграр, қолоқ ўлкага айлантирилган, ҳаётимиз жар ёқасида, вазият озгина учкун чикса, ловуллаб ёниб кетадиган дарахда кескинлашиб бораётган бир пайтлар эди.

Ана шу ўта қийин ва мураккаб даврни Биринчи Президентимиз, муҳтарам Ислоом Каримов «Биз туғилган заҳоти юришга мажбур бўлганмиз» деб ифодалаган эдилар. Ўзбекистон 25 йил ичида нафақат оёққа тургани, шу билан бирга, тез ўлғайиб, камолга етганини халқимизнинг бугунги тинч ва фаровон ҳаёти исботлаб турибди. Мана, энди ҳар биримиз мустақиллик халқимизнинг тарихий ютуғи эканини исботлайдиган мисолларни ўз ҳаётимизда, оиламиз, маҳалламиз, овулимиз, қишлоғимиз, шаҳримиздаги ўзгаришлардан истаганча келтиришимиз мумкин.

Кеча одамлар дўконлар ёнида нонга, кир совун ва ҳатто бир энлик докага навбатда турган бўлса, бугун тўйхоналарда тўйлар ўтказиш учун навбат кутгандимиз. Ўтган асрнинг 90-йилларида маълумотида етишмовчилик, бўм-бўш дўконлар ҳақида тўхтовсиз ёзилар эди, бугун ортиқча дабдаба ва исрофгарчилик тўғрисида бонг урилмоқда. У пайтларда дарах тўти қолган келинчаки туман марказидаги туғруқхонага етказиб боришга қишлоқдан бирорта улов топа олмагандан сарсон бўлганмизнинг кўп эслаймиз. Ҳозирги кунда дери ҳар бир хонадонда бир машина — йўлларимизни кенгайтириш, янгиларини қуриш, кўприк ва ўтказгичларни барпо этиш ҳақида ўйламоқдамиз. Илгари экин майдонларининг қарийб 90 фоизига чигит экилган, пахта хомашисини сув текинга Марказга беришга мажбур бўлган дехон бугун ўзи етиштирган ҳосилни қайта ишлашни, уни чет элга валютга сотишни кўзламоқда. Бундан 25-30 йил илгари «улар фақат дадада ишлашни эплайди, бошқа нарсага қувви йўқ» деб камситилган халқ энди автомобил, телевизор, мобил телефон, компьютер, музлатгич, автобус, экскаватор ишлаб чиқармоқда, чуқур билим ва юксак технологияни талаб қиладиган маҳсулотларни хорижга экспорт қилмоқда.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон иқтисодиёти 5 қаррадан зиёд ўсди. Мамлакатимиз аҳолиси 10,5 миллионга кўпайгани

холда, унинг даромадлари қарийб 9 баробар ошди. Халқимизнинг ўртача ёши 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга ўзгариб. Кейинги йилларда ялпи ички маҳсулотимиз барқарор суруятларда ўсмоқда.

Ушбу ўзгариш ва юксалишлар ҳақорат жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Шу ўринда нуфузли халқаро эксперт ташкилотлари ва рейтинг компаниялари томонидан ўтказилаётган айрим тадқиқотлар ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтиш ўринли, деб ўйлаймиз.

Жаҳон иқтисодий форуми иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Мазкур маълумотда 2014 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда йиллик ўсиш даражаси энг юқори бўлган давлатлар орасида Ўзбекистон 5-ўринда қайд этилган.

Биргина ўтган йили юртимизда рўй берган айрим воқеаларни эътиборга оладиган бўлсак ҳам мустақиллик бутун мазмун-моҳияти билан халқимиз ҳаётида улкан янгиланишлар, ўзгаришларга асос бўлиб келаяётганини сезиш қийин эмас.

Бухоро вилоятида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда қурилиши бошланган (18 апрель) улкан лойиҳа — қиймати 2,6 миллиард долларга тенг Қандим газни қайта ишлаш заводи келахатда йилга 8,1 миллиард куб метр газни қазиб олиш ва қайта ишлаш, шу асосда жажон бозорида харидоригар бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Бир пайтлар аграр республика деб камситилган мамлакатимизда саноатнинг тез суруятлар билан ривожланаётгани, ийрик-ийрик корхона, завод ва фабрикалар барпо этилгани, уларда минг-минглаб йигит-қизларимиз меҳнат қилаётгани, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизда саноатнинг салмоғи 1990 йилга қараганда 4 мартадан кўпроққа, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 17,6 фоиздан 33,5 фоизга ўсгани мустақиллик йилларидаги энг муҳим ютуқларимиздан бири, десак, хато бўлмайди. 2030 йилга бориб иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улуши 40 фоизга етказиш режалаштирилгани бу борадаги ишларнинг қўлами нечоғлик катта ва кенг эканидан далолатдир.

Шу йилнинг 13 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил қилинган моҳияти ва аҳамияти нуктаи назарида маънавий-маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Тил — миллатнинг яшаш шаклларида бири, тил ўзликни ифодаловчи энг муҳим восита, у халқнинг ўзати, негизи, асоси. Мамлакатимизнинг мустақиллик сари йўли ҳам айнан она тилини асрашдан, унга давлат тили мақоми берилишидан бошланганига ҳаммамиз гувоҳимиз.

Адабиёт эса тарбиячи, миллати ҳақиқат милади, қанолоти йўлида адимат қилади, унинг руҳиятини, маънавиятини турли бало-қазолардан ҳимоя этади. Шу маънода, ҳақиқатан ҳам улуг маърифатпарвар бобомиз, шоир Абдулҳамид Қўллон таъкидлаганидек «адабиёт яшаса, миллат яшайди».

Бугунги шиддатли, инсон, миллат, халқ қалби, маънавиятини эгаллаш учун кураш авж олган, тарихий илдишларга нисбатан хавф-хатар қўчайган замонда ўз келахатини ўйлаган халқ, ҳеч шубҳасиз, ана тилининг софлиги, адабиёти тараққиёти, уларнинг жамиятдаги

айниқса, Фарғона водийси ахли Тошкент вилоятидан 2-3 соатлик узоқ масофада бўлган манзилларга етиб олиш учун қўшни давлатлар чегарасида сарсон бўлган, ортиқча вақт ва маблағ сарфлашга мажбур бўлган пайтларни албатта яхши эслайди. Бу йул ана шундай оғир ва сарсонликларга барҳам бериб, ҳар қандай иқлим шароитида водийни юртимизнинг бошқа минтақалари билан ишончли ва самарали боғлайди.

Мустақиллик байрами арафасида Тошкент — Андижон йўналиши бўйлаб доимий йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди. Ҳисоб-китобларга кўра, Ангрэн — Поп темир йўли бўйлаб ҳар қандай йўлда 600 минг йўловчининг ўзғани яқин қилди.

Янги йўлнинг фойдаланишга топширилиши натижасида Тошкентдан Фарғона водийси вилоятларига юк ташиш вақти 2 баробар қискарди, юк ташиш тарифи салкам 4 марта камайди. Бу темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши мамлакатимиз учун йилга 10 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш ва транзит ҳисобидан 140 миллион доллар маблағни тежаш имконини беради.

Шуни таъкидлаш зарурки, Ангрэн — Поп электрлаштирилган янги темир йўли Хитой — Марказий Осиё — Европа халқаро темир йўл транзит коридорининг ажралмас қисми сифатида Европа билан Осиё қитъасини ўзаро боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлининг ўта муҳим узвий бўлигини ташкил этади. Бу йўл Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғининг стратегик йўналиши ҳисобланади. У қадимий Буюк ипак йўлининг янги маъно-мазмун касб этадиган, замонавий йўналиши саналиб, Ўзбекистоннинг Хитойга, Хитойнинг Ўзбекистонга, жумладан, Марказий ва Жанубий Осиёга чиқишини таъминлайди.

Бир сўз билан айтганда, Ангрэн — Поп темир йўлини Ватанимизнинг тараққиёт йўли — фаровонлик йўли, десак, тўғри бўлади. Ўз навбатида, бу воқеа нафақат йил воқеаси, қолаверса, келажақ, истиқбол воқеасидир.

Ўтган йили мамлакатимиз иккита муҳим халқаро анжуманга меҳмонлик қилди. Ўзбекистон томонидан амалдаги раис сифатида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ўн бешинчи, юбилей саммити юқори савияда ташкил этилди (23-24 июнь). Унда аъзо ва кузатувчи давлатлар раҳбарлари, ШХТга раҳбарлик қилаётган томон меҳмони — Туркменистон Президенти, БМТ бош қотиби ўринбосари, МДХ ижрола қотиби, АСЕАН ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти бош қотиблари, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг ижро қотиби директори ва бошқа юқори мартабали меҳмонлар иштирок этди. Тошкент анжумани ташкилот Хиндистон ва Покистон давлатларининг тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши билан ҳам ШХТ тарихида қилиши шубҳасиз.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташкил шилар вазирлиги кенгаши 43-сессиясига (18-19 октябрь) 30 га яқин давлатларнинг ташки ишлар вазирлари, ИХТ ва Ислом тараққиёт банки раҳбарлари, АКШ, Франция, Италия, Буюк Британия, Швейцариянинг ИХТдаги махсус вакиллари ҳамда БМТ, ЕХТ, Араб давлатлари лигаси, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби қатор ташкилотлар вакиллари ҳам таъриф буюрди.

Ушбу анжуманда Ўзбекистон томонидан билдирилган қатор тақдирлар қизгин кутиб олинди. Айниқса, Фарғона водийси ахли Тошкент вилоятидан 2-3 соатлик узоқ масофада бўлган манзилларга етиб олиш учун қўшни давлатлар чегарасида сарсон бўлган, ортиқча вақт ва маблағ сарфлашга мажбур бўлган пайтларни албатта яхши эслайди. Бу йул ана шундай оғир ва сарсонликларга барҳам бериб, ҳар қандай иқлим шароитида водийни юртимизнинг бошқа минтақалари билан ишончли ва самарали боғлайди.

Ана шундай иккита нуфузли халқаро тузилмага раҳбарлик қилиш ва муҳим тадбирларнинг айнан юртимизда ўтказилиши мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътибори янада юксалиб бораётганининг амалдаги ифодаси ҳисобланади.

2016 йилда спорт оламидаги иккита қувончли воқеа халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олди. Мамлакатимизда шаклланиган уч бошқили спорт йўналишларининг юқори бошқиси бўлиши Универсиада ўйинлари Фарғонада юксак савияда бўлиб ўтди. Унинг саралаш босқичларида 165 мингдан зиёд талаба иштирок этди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортни оммалаштириш, ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш борасида юртимизда амалга оширилган кенг қўламли ишлар тўғрисида охириги ўн йилда спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси болалар ва ўсмирлар ўртасида 30 фоиздан 57 фоизга, қиз болалар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга ўсганини фахр билан тилга олиш ўринлидир. Дарҳақиқат, фарзанд соғлом бўлса, оила мустаҳкам, мамлакат қудратли бўлади.

Спорт соҳасидаги беш йилликнинг энг нуфузли мусобақаси бўлган Ёзи Олимпиада ва Паралимпия ўйинларида иштирок этган спортчиларимиз жорий йилда тарихий натижани қўлга киритдилар. Бу йилги 31-олимпиадада қатнашган 206 та давлат орасида мамлакатимиз спортчиларининг 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида 21-ўринини, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иккинчи, Осиё қитъасида тўртинчи, Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллагани нафақат миллий спортимизни, керак бўлса, жаҳон олимпиада ҳаракати тарихида катта ва унутилмас воқеадир.

Жасорат, мотеват ва мардлик намунасини кўрсатган паралимпиячиларимиз эса 7 та Паралимпия ўйинлари, 6 та жаҳон ва 12 та Осиё рекордини янгилаб, жами 31 та медалга сазовор бўлдилар. Жамоамиз Марказий Осиёда биринчи, МДХда иккинчи, Осиёда учинчи поғонани эгаллади.

Эришилган галабанинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган аҳамияти шундаки, у авваламбор Ўзбекистон номини, Ватанимизнинг обрў-эътибори ва нуфузини бутун дунёда янада юксалтириш, халқимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти, қандай буюк ишларга қодир эканимизни намоён этишга хизмат қилади. Ёшларимизда она Ватанимизга меҳр-мулоҳаббат туйғусини қўчайтиради. Бугунги кунда ўсмирларимиз орасидан жаҳон ва олимпиада чемпиони бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришни орзу қилмаган йигит-қизни топиш қийин. Қўзланган манзилга етиш йўли — тинимсиз ҳаракат, мақсад сари интилишдан иборат эканига улар Рио чемпионлари мисолида яна бир бор амин бўлдилар.

Шу йил 25 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон ҳукумати порталда Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси — pm.gov.uz очилгани йилнинг жамият ҳаётида из қолдирадиган яна бир муҳим воқеасига айланди. Унда фуқаролар ўзларини қўйиётган муаммо, камчилик ёки бошқа масалалар юзасидан тўғридан-тўғри

Бош вазирга мурожаат қилиш имконига эга бўлди. Виртуал қабулхона тезда халқимиз ишончига кириб, унга мурожаат қилувчилар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Биргина мисол. Ўтган даврда ушбу қабулхонага фуқаролардан 218 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг қарийб 59 фоизи ўз ечимини топган.

Мурожаатлардан бугунги кунда аҳолини кўпроқ турли соҳалардаги бюрократик тўсиқлар, қонунга зид бўлган идоравий йўриқномалар, кредит олиш билан боғлиқ масалалар, ноқонуний текширишлар, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ноқонуний фаолияти, уй-жой қурилиши, коммунал, транспорт ва савдо хизмати, энергия таъминоти, ички йўлларнинг ҳолати билан боғлиқ муаммолар қўйиётгани маълум бўлмоқда.

Электрон қабулхонага йўналтирилган мурожаатларнинг таҳлили шунч қўрсатяптики, жойларда идора ва ташкилотларнинг мутасадди ва раҳбарлари аҳолининг муаммолари билан кўп ҳам шуғулланмаяпти, улар билан фаол ва очик мулоқотни йўлга қўймаган. Мансабдор шахсларнинг эшиги фуқаролар учун ҳар доим ҳам очик эмас. Халқнинг ичига қирмасдан, унинг муаммоларига ечим қидирмасдан туриб эса раҳбар бўлиш, яхши раҳбар бўлиш қийин. Раҳбар, биринчи навбатда, одамларнинг манфаатини ўйлаши, шу йўлда ишлаши, фидойи бўлиши керак. Шу маънода, келгуси йилнинг мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб номлангани чуқур маъно-мазмунга эга. Халқ билан мулоқот — бу ҳаммани эшитиш, улар билан суҳбатлашиш, одамларга яқин, очик ва ғамхўр бўлиш дегани.

Ўз ҳаёти ва фаолиятини она юртимиз мустақиллиги ва раънақи, халқимиз, фарзандларимизнинг дунёда ҳеч қандай кам бўлмагандан яшаш учун бағишлаган улуг давлат ва сийosat арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоом Каримовнинг вафоти халқимиз учун ўрнини тўлдириб бўлмайдиган жудодик бўлди. Бу оғир жудодик бутун дунёда чуқур қайғу ва ҳамдардлик туйғулари билан кутиб олинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош қароргоҳи олдига жаҳондаги ана шу энг нуфузли ташкилот байроғи туширилиб, унга аъзо мамлакатлар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган БМТ Бош ассамблеяси 71-сессиясида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти хотирасига ҳурмат бажо келтирилиб, бир дақиқалик сукут сақлангани ва беш қитъа вакиллари мустақил Ўзбекистон давлати асосчисининг фаолияти ҳақида маъруза қилини улуг йўлбошчимизга дунё ахли томонидан кўрсатилган эҳтиромнинг юксак намунаси бўлди.

Ўтган даврда Ўзбекистонда эришилган барча ютуқ ва марраларни халқимиз ҳақли равишда буюк давлат ва сийosat арбоби Ислоом Каримов номи билан боғлайди. Ислоом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлига, кадр-қимматига эга бўлди. Мамлакатимизда ҳар бир инсон қадрига етиши керак бўлган тинчлик ва хотиржамлик, хавф-хатарсиз ҳаёт қарор топди. Ўзбекистон миллий тотувлик, диний бағрикенглик том маънода таъминланган дунёдаги санокли давлатлар қаторига кириди. Жаҳон иқтисодий молиявий инқироз шароитида иқтисодиёти жадал ривож топаётган оз сонли давлатлар орасида Ўзбекистонимиз ҳам бор.

Ислоом Каримов бошчилигида мамлакатимиз барча соҳаларда тўла мустақилликка эришди. Ўзбекистон бир ҳафта-ўн кунлик бўғдой қолган кунлардан

бугунги фаровон кунларга етди. Биринчи Президентимиз «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч қимга қарам бўлмайди» деган сўзларни алоҳида таъкидлар эдилар. Глобал дунёда, энергия ресурслари учун кураш авж олган, геғемонлик ва империячилик кайфияти кучайиб бораётган бир даврда мустақил сийosat юргизиш, мустақилликни асраб қолишнинг ўзи бўлмайди. Аслида БМТнинг бош қароргоҳи олдига байроқни текиб, мустақилман, дейиш билан мустақиллик таъминлини қолмаслиги аён ҳақиқат. Ислоом Каримов бугун онгли ҳаётини ўз халқи ва Ватани ривожига, унинг озода ва обод бўлишига бағишлади. Ва орзу қилгани каби у кишидан бизга озода ва обод Ватан — Ўзбекистон қолди.

Шу маънода, Ўзбекистон халқи ўзининг улуг фарзандини ҳеч қачон унутмайди. Халқимиз шу йилнинг 4 декабры куни бўлиб ўтган умумий сайловда мамлакатимизда бошланган ислохотларнинг давомчиси, Биринчи Президентимизнинг муносиб савдошиси Шавкат Миромонович Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига сайлади. Тенглик ва муқобиллик асосида ўтган ушбу сийosat жараён, ҳеч шубҳасиз, юртимиз тарихидаги ўта муҳим воқеадир.

Сайлов жараёнида 5 та халқаро ташкилот ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчилар иштирок этди. Жумладан, илк бор Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 32 та мамлакатга мансуб 200 нафарга яқин таркибдаги тўлақонли миссияси кузатувчилари қатнашди. Барча чет эллик кузатувчилар томонидан сайлов тенглик ва адолат принциплари асосида, очик ва ошқорра ўтгани эътироф этилди.

Сайлов натижалари яна бир бор халқимизнинг ҳамжиҳатчилигини, тараққиёт йўлида собит экани, ўз келахатига қатъиян ишонч ва умид билан қараётганини кўрсатди. Муқобиллик асосида ўтган сайловда қарийб 90 фоиз овоз олиш — бу халқимизнинг ўзи сайлаган Президентга бўлган катта ишончи ифодасидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу онгли лавозимга киришар экан, «Сиз, азизларимиз, эл-юртимизнинг менга билинган мана шундай юксак ишларини ўзим учун катта шараф ва улкан масъулият деб ҳисоблайман, — деб алоҳида таъкидлади. — Ҳеч нарса билан қийёслаб, ўлчаб бўлмайдиган бундай олий ишончни оқлаш учун бор куч-ғайратим, билим ва таҳрибамни, бутун борлигимни бағишлашга ваъда бераман.

Мен, бугун Олий Мажлис палаталари, сийосий партиялар ва ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, бутун халқимизнинг сый-ҳаракатларини, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентини, барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислоом Абдуғаниевич Каримов бизга васият қилиб қолдирган ягона мақсад йўлида бирлаштиришга даъват этаман.

Бу олижаноб мақсад — изчил ва барқарор ривожланаётган, эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишдан иборатдир. Дарҳақиқат, жонажон Ватанимизнинг эртанги куни янада ёруғ ва фаровон бўлиши йўлида янада ҳамжиҳат бўлиш, билим ва салоҳиятимизни, куч-ғайратимизни ана шу улуг ишга сафарбар этиш — барчамизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

Яқунлабганган йил ҳаммамизга ана шундай ҳаёт сабабини ўқитмоқда, десак, аини ҳақиқат бўлади.

Акбар ЖОНУЗОКОВ

РЕКЛАМА ВА
ТАБРИКЛАР

Байрамингиз муборак бўлсин!

«ХОРАЗМАВТОТЕХХИЗМАТ»

акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни 2017 йил
билан муборакбод этади!

Янги йилда хонадонларингиздан
қувонч ва шодлик, қут-барака
аримасин!



Маҳсулотлар сертификатланган.

«ЎЗДАВЭНЕРГОНаЗОРАТ»

ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

халқимизни
Янги — 2017 йил
билан қизғин
табриклайди!

Янги йил барчага бахт
ва омад келтирсин!

Хизматлар лицензияланган.

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.

- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвалы, бортовой, контейнеровоз.

Товары сертифицированы.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259
8765
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:00
Topshirilgan vaqti — 22:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Mirbaxtiyor MIRFAIZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5 8